

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРИНИНГ САБАБЛАР БЎЙИЧА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Хушвақтов Ўткир Темирович

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18345246>

Назария ва амалиётда жиноятчиликнинг сабаблари ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни ўрганиш масаласи доимий илмий баҳс ва тадқиқотлар марказида бўлиб келмоқда. Зеро, жиноятчиликка қарши самарали курашиш, аввало, унинг келиб чиқишига асос бўлувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этишга бевосита боғлиқ. Айниқса, вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганишда сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг муҳим илмий-назарий ва амалий асосини ташкил этади.

Эргашев Ж., таъкидлаганидек, барчамиз ўрнатилган қонун-қоидаларга амал қилинадиган, хавфсиз ва осойишта жамиятда яшашни истаймиз. Бундай муҳитда шахсий манфаатларимиз ҳимояси ҳақида ташвиш чекишга ўрин йўқ. Аммо, “жиноят”, “ҳуқуқбузарлик” каби тушунчалар борки, юқоридаги мақсадга доимо ғов бўлиб келади, соғлиғимиз, мол-мулкимиз тақдири ҳақида қайғуришга мажбур қилади. Жиноятнинг келиб чиқиши, сабаблари, бартараф этиш усуллари ҳақида неча асрлар давомида бош қотириб келинади. Бу ўринда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги алоҳида эътибор ва ўзгача ёндашув талаб қилинади¹.

Бугунги кунда вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқараётган сабаблар ва уларга имкон яратаётган шарт-шароитларни таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш, шунингдек, вояга етмаганлар қонунга итоаткор хулқ-атвори қарор топтириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки жиноятчиликнинг сабаблари ва унинг ривожланишига таъсир этувчи шарт-шароитларни тадқиқ этиш криминология фанининг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали бўлишига замин яратади.

Криминологик тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларнинг ўзга хос жиҳатларига турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир².

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қанча илмий тадқиқотлар³ амалга оширилганига қарамай, вояга етмаганлар жиноятчилигини келтириб чиқараётган

¹ Эргашев Ж. Ижтимоий-психологик таҳлил: вояга етмаганлар қандай қилиб ҳуқуқбузарга айланади? Мақола. <https://uz.hook.report/2022/07/mama-ama-criminal/>

² Джураева Н. Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар // Вояга етмаганларнинг ишларини юритиш масалалари: мавзусидаги илмий-амалий конференция масалалари тўплами. –Т., 2012. –Б. 118.

³ Утениязов М.К. Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олиш муаммолари. Диссертация. Юридик фанлар номзоди. – Т., 2004 й. 164 б.; Каримова Д.Р. Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари. Юрид. фан. док. Диссертация. Т.: 2017.; Джураева Н. Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар // Вояга етмаганларнинг ишларини юритиш масалалари: мавзусидаги илмий-амалий конференция масалалари тўплами. –Т., 2012.; М.Берлыбекова. Причины, способствующие совершению женщинами умышленных убийств / Предупреждение преступности (криминологический журнал). Казахстан. 2005. № 1 (9).; Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар

сабаблар ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни таҳлил қилиш соҳасида ҳали ҳам етарлича тадқиқотлар мавжуд эмас ва шу боис унинг олдини олиш чоралари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабабларидан бири – жиноятчиликка қарши курашувчи органларда жиноятларнинг сабаби ва шарт-шароитларини аниқлашга оид мақсад ва йўналишлар юзасидан аниқ тасаввур мавжуд эмаслиги⁴; иккинчиси – жиноятчилик омиллари ва уларнинг доираси аниқ белгиланмаганлиги сабабли таҳлил жараёнида турли чалкашликлар пайдо бўлаётгани⁵; учинчиси – жиноят сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича тақдимномаларнинг самарасизлиги, уларнинг ижроси устидан назоратнинг кучсизлиги ҳамда тақдимнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарликнинг етарли даражада таъминланмаётганидир⁶.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун жиноят сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни таҳлил этишда турли илмий ёндашувларни биргаликда қўллаш зарур. Бу ёндашувлар бир томондан муаммонни холис ва кўпқиррали баҳолашни таъминлайди, бошқа томондан эса бартараф этиш чораларини аниқ ва самарали режалаштиришга ёрдам беради.

Биринчи ёндашув: Мазкур ёндашув жиноятнинг сабабига оид тушунчаларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган.

Жиноятчилик сабаблари жиноятнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси⁷. Таърифда жиноятчилик сабаблари фақат “озиқлантирувчи” ва “кучайтирувчи” омиллар сифатида кўрсатилади, аммо уларнинг ижтимоий, иқтисодий, психологик ва ҳуқуқий табиатига ойдинлик киритмайди.

Хориж олимлари Горяинов К.К., таъкидлаганидек, жиноятнинг **сабаби** – бу жиноятчи шахснинг муайян ноқонуний хатти-ҳаракатини бевосита вужудга келтирадиган, унга туртки берувчи ички ёки ташқи омиллар мажмуидир⁸. Вояга

жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари. Юрид. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. Т., 2006.; Мүродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси – Т., 2019.; Ғофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси – Т., 2019.; Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари: монография. – Т.: ТДЖТУ, 2008. – 214 б.; Каримова Д.Р. Ўзбекистон ҳудудида бола ҳуқуқлари генезиси, эволюцияси ва унинг истиқболлари. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 2017.; Логинава К.Ю. Имущественная преступность несовершеннолетних и меры её предупреждения: автореф....дис. канд. юрид. наук. – Томск., 2015.; Самиулина Я.В. Личность несовершеннолетней преступницы и воздействие на нее: автореф....дис. канд. юрид. наук. – Тамбов., 2009.; Салех Али Салем Аль-Марфадий. Криминологические и социально-психологические особенности преступности несовершеннолетних в Республике Йемен. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ташкент. 1997.

⁴ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю.Фазилов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 186 б. Б 90.

⁵ Мозговых Г.А. Причины и условия, способствующие совершению преступлений, в структуре их криминалистической характеристики // Предупреждение преступности. – Алмата, 2002. – №1 (3). – С. 42.

⁶ Умирзаков Б.А., Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2021. 45 б.

⁷ Фазилов И.Ю. Нормалар таҳлили: уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Huquq va Burch. – Тошкент, 2018. – № 3. – Б. 56-57.

⁸ Кузнецова Н.Ф. Курс советской криминологии. Особенная часть. – Москва, 1988. – Б. 115–118.; Горяинов К.К. Криминологическая обстановка(методические аспекты).– С. 24.

етмаганлар мисолида сабаблар кўпроқ ижтимоийлашув жараёнидаги камчиликлар, ахлоқий қадриятлар тизимининг етарли шаклланмаганлиги ва шахсий эҳтиёжларни қондиришдаги ноқонуний усулларга мойиллик сифатида намоён бўлади.

Замонавий криминологик адабиётларда жиноятчиликнинг келиб чиқишини изоҳлашда икки асосий ёндашув мавжуд. Биринчиси – жиноятчилик сабаб ва шарт-шароитларини ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилади. Бунда улар объектив ва субъектив турларга ажратилади. Сабаб ва шарт-шароитларни бутунлай йўқотиш мумкин эмас, аммо уларнинг таъсирини чеклаш, зарарсизлантириш ёки назорат остида ушлаш орқали жиноятчиликнинг салбий оқибатларини камайитириш мумкин. Иккинчи ёндашув эса жиноятчиликнинг сабаблари инсон, ижтимоий гуруҳ ва жамият ҳаётининг субъектив соҳаси билан узвий боғлиқлигини таъкидлайди. Н.Ф. Кузнецова фикрича, сабаб ва оқибат ажралмас боғлиқликда бўлиб, фақат бевосита оқибатгина сабаб сифатида қаралиши мумкин⁹.

Шу боис замонавий криминологияда жиноятчиликни юзага келтирувчи сабаб ва шарт-шароитлар “омиллар” ёки “детерминантлар” атамалари билан ифода этилади. “Омил” тушунчаси муайян жараённи ҳаракатга келтирувчи, унинг ривожланиши ва ўзгаришида етакчи аҳамият касб этувчи куч сифатида талқин қилинади¹⁰. К.К. Горяиновнинг таъкидлашича, омил – бу функционал алоқадаги сабаб ва шарт-шароитлар мажмуасидир¹¹.

Юқоридаги назарий қарашлар таҳлили шуни кўрсатадики, жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитлари бир-биридан фарқ қилувчи, бироқ ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган омиллар тизимини ташкил этади.

Жиноят сабаблари – шахснинг жиноий хатти-ҳаракатга мойиллигини вужудга келтирадиган, унинг содир этилишини бевосита тақозо этадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, психологик ва ҳуқуқий омиллар мажмуидир. Вояга етмаганлар мисолида бу, асосан, ижтимоийлашув жараёнидаги камчиликлар, ахлоқий қадриятлар тизимининг шаклланмаганлиги ва тенгдошлар таъсирида ноқонуний усулларга мойиллик орқали ифодаланади.

Криминологиядаги икки асосий ёндашув – сабаб ва шарт-шароитларни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилиш ҳамда уларни шахс ва жамият ҳаётининг субъектив соҳаси билан боғлаш – бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдириб боради. Шу боис жиноятчилик детерминантларини ўрганишда комплекс, тизимли ва интегратив ёндашув устувор аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш уларнинг жиноятга мойиллик даражасини баҳолаш, келгусида самарали профилактика чораларини белгилаш ва қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи ёндашув: Вояга етмаганлар жиноятларини тақозо этувчи омиллар турли қиррали бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий, маънавий-руҳий, оилавий-маиший ва

⁹ Сахаров А.Б. Саркисов Г.С. Проблема преступности в современных условиях. – Ереван: Айастан. 1991 С.65–66.

¹⁰ Кузнецова Н.Ф. Курс советской криминологии. Особенная часть. – Москва, 1988. – С. 16.;

¹¹ Горяинов К.К. Криминологическая обстановка (методические аспекты). – С. 24.

ташкилий-бошқарув соҳаларида намоён бўлади. Айрим тадқиқотларда омилар умумий ҳолда келтирилган бўлади, аммо уларнинг қай бири **сабаб**, қай бири **шарт-шароит** экани аниқ белгиланмаган ёки уларни фарқлари очиб берилмаганлигини кузатиш мумкин. Ҳусусан:

иқтисодий қийинчиликлар, аҳоли ўртасида табақаланишнинг кучайиши, ишсизлик ва гиёҳвандликнинг ўсиши ижтимоий-иқтисодий омилар сифатида кўрсатилмоқда;

ёшлар тарбиясидаги камчиликлар, лоқайдлик ва текинхўрлик каби хислатларнинг тарқалиши, жиноий ғоялар таъсири, ҳуқуқий онгнинг паст даражада бўлиши – маънавий-психологик омилар қаторига киради;

профилактика субъектлари фаолиятидаги камчиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигининг пастлиги ҳам ташкилий-бошқарув омилари сифатида қайд этилади¹².

Юқоридагиларни сабаб-шароитларга бўлиб қуйидагича таснифлаш мумкин:

Иқтисодий қийинчиликлар, аҳоли ўртасида табақаланишнинг кучайиши, ишсизлик ва гиёҳвандликнинг ўсиши **жиноятнинг сабаблари сифатида**, ёшлар тарбиясидаги камчиликлар, лоқайдлик ва текинхўрлик каби хислатларнинг тарқалиши, жиноий ғоялар таъсири, ҳуқуқий онгнинг паст даражада бўлиши эса **жиноятнинг ижтимоий-маънавий сабаблари сифатида** намоён бўлади. Шу билан бирга, профилактика субъектлари фаолиятидаги камчиликлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар самарадорлигининг пастлиги каби ҳолатлар жиноятларнинг бевосита келиб чиқишига эмас, балки уларнинг содир этилишига қулай муҳит яратиб берувчи **шарт-шароитлар** сифатида баҳоланади.

Тадқиқотлар вояга етмаганлар шахсияти шаклланишида оиланинг роли муҳим бўлиб, уларни икки: а) оилавий муҳитдаги объектив омиларга – оиланинг тўлиқ эмаслиги, фарзандлар сонининг кўплиги, моддий қийинчиликлар ва ота-онанинг иш билан бандлиги киради; б) субъектив омиларга ичкиликбозлик, ахлоққа зид турмуш тарзи, оиладаги жанжалли муҳит, фарзанд тарбиясига лоқайдлик қабилар киради¹³. Дарҳақиқат, оиланинг объектив ва субъектив омилари ўзаро боғлиқ ҳолда вояга етмаган шахс шахсияти шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Тўғри ижобий муҳитда тарбия топган бола ижтимоий меъёрларга мослашса, носоғлом муҳитда ўсган болада турли хулқ-атвор муаммолари ва ҳуқуқбузарликка мойиллик юзага келиши мумкин.

Ю.М. Антоняннинг фикрича, ота-онанинг йўқлиги ёки ғайриахлоқий хулқ-атвори ҳар доим ҳам жиноятчиликка олиб келмайди, аммо оиладаги назоратсизлик ва мактаб ёки меҳнат жамоасидан узоқлашиш вояга етмаганларда масъулиятсизлик ва бошбошдоқликни кучайтиради¹⁴. Бизнингча, жиноятчиликка йўл очувчи омилар кўп ҳолларда бирламчи сабаб эмас, балки тарбия ва назоратнинг йўқлиги оқибатида

¹² Исмоилов Н. Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари. : Юрид. фан. номз. ... дис. автореф.– Т., 2006, – Б. 8.

¹³ Абдурасулова Қ. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг асосий омиларини ўрганишда криминология, фалсафа ва психология фанларининг ўрни // Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: Халқаро форум материаллари (2008 йил 28-29 октябрь). – Т.: Республика болалар ижтимоий мослашув маркази, 2008. – Б. 181.

¹⁴ Антонян Ю.М. Психологические отчужденные личности и преступное поведение. – Ереван. Айтастан, 1987. С.36.

шаклланадиган ташқи ва ички таъсирлар йиғиндисидир. Демак, оила ва жамоат назоратининг самарали ташкил этилиши вояга етмаганлар шахсиятининг ижобий ривожланиши учун асосий кафолатлардан бири ҳисобланади.

Айрим тадқиқотларда сабаб ва шароитлар алоҳида тадқиқ этилганлигини, бироқ уларнинг ўрни алмашиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бунинг боиси, сабаб сифатида қайд этилган ҳолатлар вазиятга боғлиқ ҳолатларда шароит сифатида ёки аксинча бўлиши ҳуқуқшунослар томонидан асослантирилган. Хусусан:

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари:

яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири;

ўқишни ташлаб кетган вояга етмаганлар узоқ вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги;

вояга етмаганнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари;

ёши катта жиноятчиларнинг далолатчилиги;

зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири¹⁵.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг қуйидаги омиллари шароит сифатида қайд этилади:

назоратсизлик;

умумий таълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар;

ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар;

маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар;

вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликлар¹⁶.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш асосида, вояга етмаганнинг нотўғри тарбияланиши, яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири каби омилларни жиноятнинг сабаби эмас, балки уни содир этилишига имкон яратувчи шароит ифодалаш ҳисоблаш мантиқан тўғри ҳисобланади. Бундан ташқари мазкур қарашлар асосан муҳит, тарбия, таълим ва давлат органлари фаолиятидаги камчиликларга қаратилган. Аммо иқтисодий, психологик ва замонавий ахборот муҳити омиллари етарлича очиб берилмаган.

Айримлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари қаторига қуйидагиларни киритади:

вояга етмаганнинг кайфияти ва руҳиятига таъсир кўрсатувчи ҳаётдаги муваффақиятсизликлар;

маънавий ва ахлоқий мўлжалларнинг беқарорлиги;

шахслар жиноий гуруҳи билан яқин алоқада бўлиш ёки муайян шароитда улар вояга етмаганга салбий таъсир кўрсатиши; руҳиятининг айрим хусусиятлари;

¹⁵ Уразалиев М.Қ., Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари нимада?. Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти. https://uza.uz/uz/posts/voyaga-etmaganlar-zhinoyatchiligining-sabablari-nimada_376753.

¹⁶ Уразалиев М.Қ., Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари нимада?. Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти. https://uza.uz/uz/posts/voyaga-etmaganlar-zhinoyatchiligining-sabablari-nimada_376753.

оила ёки жамоадаги ноқулай шарт-шароитлар¹⁷.

Мазкур қарашларда руҳий ва микромуҳит омилларини кўрсатади, аммо ижтимоий-иқтисодий, маданий, ахборот ва институционал омиллар етарлича ёритилмаган.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳолатига айниқса ҳозирги куннинг ноаниқлиги, келажакка ишончсизлик, ноқулай маиший муҳит, микромуҳит (оила, таълим жамоалари, норасмий кичик гуруҳлар ва бошқалар), таълим олиш билан боғлиқ қийинчиликлар, муайян машғулотнинг йўқлиги, бекорчиликка мойиллик ва шу каби омиллар жуда салбий таъсир кўрсатади¹⁸.

Профессор И.Исмаилов вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қуйидаги сабаб ва омилларни келтириб ўтган:

вояга етмаган шахслар бойлик орттиришга бўлган қизиқишининг юқорилиги ва ўқувчилар ўртасида табақаланишнинг юқорилиги ўғирлик жиноятлари содир этилишига имкон бераётганлиги;

вояга етмаган шахслар ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатларини билмаслиги ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатда қизиққонлиги улар томонидан тан жароҳати етказиш жиноятлари содир этилишига шарт-шароит яратаётганлиги;

вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишига уларнинг оиласидаги муҳит ва атрофидагиларининг хулқ-атвори (оила аъзолари, маҳалладошлари, синфдошлари) асосий таъсир қилувчи омил бўлаётганлиги;

вояга етмаганлар тарбиясига Интернетнинг ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсири сақланиб қолаётганлиги;

ўқувчилар ва талабаларни дарсдан ташқари бўш вақтларини унумли ўтказиш тизими етарли даражада назоратга олинмаганлиги;

фарзандларининг тарбияси ва таълимида айрим ота-оналар назоратининг етарли эмаслиги ва фарзандлари учун шарт-шароит яратмаганлиги кузатилаётганлиги;

мактаблардаги дарс сифати ва давомат устидан назоратнинг пастлиги ўқувчилар дарсларга сабабсиз қатнашмаслигига шароит яратаётганлиги;

вояга етмаганларнинг таълим тарбияси ва улар томонидан жамоат жойларида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга нисбатан маҳалла еттилиги таъсирининг пастлиги¹⁹.

Ҳуқуқшунос олим И. Исмаиловнинг қарашларида асосий урғу оила, таълим тизими, ижтимоий муҳит ва ахборот маконидаги камчиликларга қаратилган бўлиб, у вояга етмаганлар жиноятчилигини кўпроқ ижтимоий ва тарбиявий етишмовчиликлар натижаси сифатида талқин қилади.

Аксарият ҳолатларда болалар жиноятига сабаб қилиб ота-она ёки ижтимоий атроф-муҳит кўрсатилади. Аммо, булар умумий тушунчалардир ва бу омилларни батафсилроқ тушунтириш мумкин:

¹⁷ Уразалиев М.Қ., Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари нимада?. Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти. https://uza.uz/uz/posts/voyaga-etmaganlar-zhinoyatchiligining-sabablari-nimada_376753.

¹⁸ Батыщева Е.В., Преступность несовершеннолетних: состояние, причины, профилактика. // Вестник Уральского юридического института МВД России. file:///C:/Users/user/Downloads/prestupnost-nesovershennoletnih-sostoyanie-prichiny-profilaktika.pdf.

¹⁹ Азизов Д.А. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ва профилактикаси. Мақола. <https://global-science-review.com/ojs/index.php/gsr/article/view/2161/2008>

дўст, ўртоқларнинг салбий таъсири;
 оила аъзоларининг жиноий ишларга алоқадор эканлиги;
 ота-она томонидан нотўғри тарбия берилиши;
 оилада муносабатларнинг бузилганлиги;
 иқтисодий аҳволнинг яхши эмаслиги;
 саводсизлик;
 ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги;
 алкоголизм;

болалар тасаввуридаги “замонавий” турмуш тарзи – маиший ахлоқий нормаларни менсимаслик, енгил-елпи яшаш, ота-она томонидан эркин қўйилиши.

Юқоридаги илмий ёндашувларга асосланиб таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар жиноятларининг асосий сабаблари қуйидагича гуруҳларга бўлинган ҳолда таснифланди:

1) Ижтимоий-иқтисодий сабаблар:

оила ва жамиятдаги моддий қийинчиликлар;
 аҳоли табақаланиши ва тенгсизликнинг кучайиши;
 ишсизлик ва меҳнат фаолиятига жалб қилинмаганлик;
 моддий эҳтиёжларни қондириш истагининг юқорилиги.

2) Оилавий-маиший сабаблар:

оиладаги назоратсизлик ва муносабатлар бузилиши;
 ота-онанинг ичкиликбозлиги, жиноий хатти-ҳаракатларга мойиллиги;
 фарзанд тарбиясида бепарволик, қўпол муомала ёки мутлақ эркинлик;
 оиланинг тўлиқ эмаслиги ёки муаммоли муҳитда ўсиш.

3) Маънавий-руҳий сабаблар:

ҳуқуқий онг ва маънавий тарбиянинг паст даражада бўлиши;
 ахлоқий мўлжалларнинг беқарорлиги;
 бекорчилик, тўғри машғулотнинг йўқлиги;
 ёшлар онгига салбий таъсир этувчи “жиноий ғоялар” ва кўнгилочар маданият.

4) Таълим ва тарбия соҳасидаги сабаблар:

мактаб ва коллежлардаги таълим-тарбия ишларидаги камчиликлар;
 дарс сифати ва давомат устидан назоратнинг пастлиги;
 дарсдан ташқари бўш вақтларни унумли ташкил этмаслик.

5) Микромуҳит ва тенгдошлар таъсири:

жиноий гуруҳлар ёки ёши катталарнинг салбий таъсири;
 дўст ва тенгдошлар босими;
 норасмий кичик ижтимоий гуруҳлар таъсири.

6) Ахборот муҳити таъсири:

зўравонлик ва қонунбузарликни тарғиб этувчи фильмлар, китоблар ва интернет тармоқлари;

ижтимоий тармоқлардаги салбий таъсирлар;
 замонавий “тез бойиш” ғояларини идеаллаштириш.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг асосий сабаблари бу ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, оилавий назоратсизлик, маънавий ва ҳуқуқий онгнинг пастлиги, тенгдошлар ва жиноий гуруҳлар таъсири ҳамда салбий ахборот муҳити таъсири

ҳисобланади. Шу сабабли жиноятларнинг олдини олишда нафақат профилактика субъектлари, балки оила, таълим муассасалари, маҳалла ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорликда иш олиб бориши талаб этилади.

